

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари**  
*(2016 йил 17-октябрь 22- октябрьгача)*

**№7**

**Тошкент – 2016**

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Муҳтарам Раис жаноблари!

Жаноби олийлари, ҳурматли вазирлар ва делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва баракатуху.

Аввало, сиз, азиз меҳмонларни, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ва кузатувчи мақомига эга мамлакатлар делегациялари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг барча иштирокчиларини Ўзбекистон заминидан қутлаш ва сизларга самимий ҳурматимни билдиришга ижозат бергайсизлар.

Бугунги кунда кўп томонлама ҳамкорлик бўйича энг нуфузли ва йирик институтлардан бири бўлган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ушбу муҳим анжуманини ўтказиш учун Ўзбекистон пойтахти — Тошкент танлангани учун чин дилдан миннатдорлик билдирамыз.

Ушбу сессия муқаддас ислом қадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, мусулмон халқлари ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш, ташкилотга аъзо мамлакатлар халқларининг ривожланиши ва фаровонлигига кўмаклашишдек эзгу мақсадларга эришиш йўлида муҳим қадам бўлишига ишонамыз.

Мазкур форумга тайёргарлик доирасида эришилган ўзаро ҳамкорлик натижаларидан мамнунмыз. Бу борада Бош котибият ва шахсан унинг раҳбари жаноб Ияд Маданий, ташкилотга аъзо давлатлар томонидан амалга оширилган самарали ишларни, бунда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳи намоён бўлганини юксак қадрлаймыз.

«Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» мавзуси 43-сессия кун тартибининг асосий ғояси этиб белгилангани чуқур рамзий маънога эга. Бу ғоя «Бешиқдан қабргача илм изла» деган машҳур ҳадисга ҳамоҳангдир. Ушбу мавзу катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, буюк давлат арбоби сифатида узокни кўра оладиган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан, Аллоҳ у кишини раҳматига олсин, дунё халқлари, ўз халқи тақдири, бугунги мураккаб шароитда муқаддас динимизнинг аҳамияти ҳақидаги чуқур мулоҳазалар натижаси сифатида тақлиф этилган эди.

Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди. Муқаддас ислом динимиз бизга айнан шуни ўргатади.

Бундай ёндашув — давр талабидир.

Ҳурматли сессия иштирокчилари!

«Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» шиори Ислом ҳамкорлик ташкилотининг бугунги анжумани мавзуси этиб белгилангани бежиз эмас.

Негаки, мазкур анжуман сизу бизнинг буюк аجدодларимиз киндик қони тўкилган Ўзбекистон заминиде бўлиб ўтмоқда.

Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қафқол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айна вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган.

Ислом оламида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари тўпламининг ишончли манбаи деб эътироф этилган «Ал-жомий ас-саҳих» тўплами «барча муҳаддислар устози» бўлмиш Имом Бухорийнинг кўп йиллик фидокорона изланишлари самарасидир. Ўн икки асрдирки, ушбу асар аҳамиятига кўра, муқаддас Қуръондан кейин ислом дини ҳақидаги иккинчи ишончли ёзма манба бўлиб қолмоқда. Нафақат бизнинг юртимиз, балки бошқа мамлакатлардан ҳам минглаб, миллионлаб мусулмонлар бу табаррук зот туғилган Бухорои шарифга бориш ва унинг Самарқанддаги қабрини зиёрат қилишга интилиши бежиз эмас, албатта.

X асрда самарқандлик мутафаккир, «Имом ал-Худа» (Ҳидоят йўлининг имоми) деб шуҳрат қозонган Абу Мансур Мотуридий томонидан асос солинган Мотуридия таълимоти бутун ислом оламида кенг тарқалган.

Мотуридия таълимоти илм эгаллаш жараёнида бағрикенглик ғояси асосида инсон ақл-заковатининг ўрни ва аҳамиятига юксак эътибор қаратади. Бу, ўз навбатида, ушбу таълимотнинг кенг оммалашувида муҳим ўрин тутган. Бундай ғояларга бугунги кунда ҳам инсоният катта эҳтиёж сезмоқда.

Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир.

Янги таҳдидлар, жумладан, «оммавий маданият» хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, кадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу сабабли, менинг фикримча, инсон маънавий олами, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Азалий кадриятларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас динимизни асраш ва кадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Ислом — ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзодни эзгу

амалларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади.

Биз ислом динидан зўравонлик ва хунрезлик мақсадларида фойдаланишга уринаётган кимсаларни кескин қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Муқаддас динимизни доимо ҳимоя қиламиз.

Халқимиз атеистик мустабидликдан озод бўлгандан кейин, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аждодларимизнинг муқаддас дини бўлган исломнинг жамиятимиздаги ўрнини қайта тиклаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. 1999 йили Тошкентда Марказий Осиёда биринчи Ислом университети очилди. Мамлакатимизда 10 та диний таълим муассасаси, жумладан, Тошкент ислом институти, 9 та ўрта махсус ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг иккитаси хотин-қизлар ўқув муассасасидир.

Ана шу таълим масканлари орасида XVI асрда бунёд этилиб, мамлакатимизда илм-фанни кенг ёйишга хизмат қилган Бухородаги Мир Араб ва Тошкентдаги Кўкалдош мадрасалари бор.

Етмиш йил ҳукм сурган коммунистик тузум даврида Ўзбекистондан, бор-йўғи, 130 киши Ҳаж амалини бажарган бўлса, бугунги кунда ҳар йили ўзбекистонлик беш мингдан зиёд киши ўзининг эзгу орзуси ва мусулмонлик бурчини адо этмоқда. Ўша пайтларда кўп миллионли республикамизда атиги 30 та масжид бўлган, бугун эса мамлакатимизда минглаб масжидлар фаолият юритмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида тарихий ислом ёдгорликлари, муқаддас қадамжолар қайта тикланди. Уларнинг аксариятини сиз, азиз меҳмонларимиз Ўзбекистонга ташрифингиз давомида зиёрат қилиш имконига эга бўласиз. Муқаддас динимиз бундан буён ҳам халқимизни бирлаштириб, миллати ва тилидан қатъи назар, маънавий покланиш, одамларни тинчлик, эзгулик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тотувликка ундайдиган, ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ҳурматли сессия қатнашчилари!

Ўзбекистонда мустақил ва кучли давлат қуришдан асосий мақсад инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланадиган ва ҳурмат қилинадиган адолатли жамият барпо этишдир. Айни вақтда мусулмон олами ва жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнимизни янада мустаҳкамлашдир.

Бу, авваламбор, таълим ва маърифат тизимини такомиллаштириш, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни замонавий билим олишга йўналтириш, баркамол шахсни тарбиялаш билан боғлиқ эканини биз яхши англаймиз. 1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши самарасида мазкур соҳа тубдан ислоҳ қилинди, замонавий узлуксиз таълим-тарбия тизими яратилди.

Бугун барча ўғил-қизларимиз ўн икки йиллик бепул мажбурий таълим билан қамраб олинган. Улар 10 мингта реконструкция қилинган ёки қайта қурилган кенг ва ёруғ мактаблар, 1,5 мингта академик лицей ва касб-хунар коллежларида билим олмоқда. Қарийб 300 та мусиқа ва санъат мактаби, 2 минг 200 дан ортик спорт объекти болаларимиз ихтиёрида.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда олий ўқув юртлари сони 2,5 баробар кўпайди. Бугунги кунда олий ўқув юртларимизда 230 мингдан зиёд талаба

билим олмоқда. Ўзбекистонда етгита хорижий етакчи олий ўқув юртининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Истеъдодли ёшларимизнинг минглаб вакиллари дунёнинг нуфузли университетларида таҳсил олмоқда.

Мамлакатимизда давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 7 фоизи таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда ёшлар ҳақида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга давлат сиёсатининг энг асосий ва устувор йўналишларидан бири сифатида қараб келинмоқда. Чунки ёшлар — бизнинг келажагимиз. Бу соҳадаги давлат сиёсатини янада чуқурлаштириш учун яқинда Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

Буларнинг барчаси бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Ёшларимиз бизнес, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва спорт соҳаларида оламшумул муваффақиятларга эришмоқда. Бу мамлакатимиз истиқболига, буюк аждодларимиз бошлаган эзгу ишларни келажак авлодлар муносиб давом эттиришига катта ишонч бағишлайди.

Хонимлар ва жаноблар!

Биз бугун инсоният тараққиётининг, таъбир жоиз бўлса, кескин бурилишлар рўй бераётган тарихий босқичида яшамоқдамиз.

Кейинги йилларда Ер юзида кескин геосиёсий ўзгаришлар рўй берди, халқаро миқёсда хавфсизлик ва барқарорлик тизими издан чиқмоқда. Глобаллашув жараёнининг тобора шиддатли тус олиши нафақат инсоният имкониятларини кенгайтирмоқда, балки зиддиятларнинг кескинлашуви, ривожланган ва қолоқ давлатлар ўртасидаги тафовутнинг ўсишига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида тинчлик ва барқарорликка раҳна солаётган, моҳияти ва кўламига кўра трансмиллий хусусиятга эга турли хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда.

Бошпанасиз қолиб, ўзга юртларда сарсон-саргардон юрган одамлар оғир мусибатларни бошдан кечирмоқда, қуроли қарама-қаршилиқлар ва терроризм оқибатида гуноҳсиз болалар, кексалар, хотин-қизлар ҳалок бўлаётир. Охири кўринмайдиган урушлар туфайли кўплаб мамлакатлар вайронага айланмоқда. Бундай шароитда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларни мусулмон оламида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш йўлида бирлаштириш, ўзаро ҳамкорликнинг ишончли механизмларини, аъзо мамлакатларнинг долзарб масалалар юзасидан мулоқот қилиши учун ўзига хос майдон яратишга хизмат қиладиган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг роли ва масъулияти янада ортмоқда.

Ташкилот мустаҳкам барқарорлик ва хавфсизликка иқтисодий тараққиётсиз, ижтимоий хусусиятга эга муаммоларни ҳал этмасдан эришиб бўлмаслигини тушунган ҳолда фаолият юритаётганини биз юқори баҳолаймиз. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фаолият кўламини янада кенгайтириш зарурати юзага келмоқда.

Бу борада мамлакатлар ва халқлар ўртасида турли даражадаги мулоқотларни кенгайтириш, нафақат ҳукуматлар, балки парламентлар, илм-фан ва маданият намояндалари, жамоатчилик вакиллари ўртасида тизимли алоқаларни йўлга

қўйиш муҳим ўрин тутиши зарур. Айнан мана шу мақсадлар Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кучайтириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг раиси сифатида ташкилот салоҳиятини янада кучайтириш ва эзгу мақсадларга эришишда ўз ҳиссасини қўшиш учун барча имкониятларини ишга солади.

Ўзбекистон Кенгашига раислиги даврида мусулмон давлатларининг самарали ва нуфузли форуми сифатида ташкилот ролини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Ўзбекистоннинг раислигида ўтаётган ушбу анжуманнинг «Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» шиори бизнинг устувор йўналишларимизни аниқ ифода этади. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

**Биринчи.** Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан мамлакат рақобатдошлигининг асосий кўрсаткичига айланган бугунги шароитда тараққиётнинг муҳим омили сифатида таълимнинг роли ортиб бормоқда. Ҳозирги пайтда жамият ва цивилизациялар, аввало, ижтимоий қадриятлар ва таълим тизимлари билан рақобатлашмоқда.

Шу нуқтаи назардан, буюк аجدодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бу масала ёшларда илм-фанга ва таълим олишга интилиш туйғусини кучайтириш, барча жамиятларда ислом қадриятлари ва маданиятини тўғри англаш ҳамда қабул қилиш, дунёнинг барча халқларига ислом динининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини етказиш учун муҳимдир. Шунингдек, бугунги кунда халқаро миқёсда конфессиялар, миллатлар ва маданиятлараро мулоқотни йўлга қўйиш, тинчлик ва тотувликка эришишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Иккинчи.** Барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни инновацион ривожланишсиз, кенг кўламли илмий-техник кооперациясиз ва янги технологиялар, илм-фан ва техника ютуқларини жорий этмасдан тасаввур қилиб бўлмайди.

Айнан шунинг учун илм-фан ва техникани янада ривожлантириш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш ташкилотимиз фаолиятида муҳим ўрин эгаллаши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳамкор мамлакатлар билан илмий-технологик алмашишни фаоллаштириш, турли илм-фан соҳаларида қўшма тадқиқотлар ўтказишни таклиф этади.

Шубҳасиз, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ҳамкорлигини Ислом тараққиёт банки фаолиятсиз тасаввур қилиш қийин.

Фурсатдан фойдаланиб, 2016 йил 1 октябрдан эътиборан Ислом тараққиёт банкнинг президенти этиб сайланган Бандар Ҳажар Жаноби олийларини қутлашдан мамнунман.

**Учинчи.** Хавфсизлик муаммоси ўта кескин ва фожиали тус олаётгани барчамизни ташвишга солаётганини таъкидламоқчимиз.

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг бирдамлигини таъминлаш, улар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш, урушлар, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш тобора авж олаётган қарама-қаршилиқларни бартараф этиш, тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётган хавфларга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, мавжуд ёки юзага келаётган зиддият ва тўқнашувларни тинч йўл билан, музокаралар, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари асосида сиёсий-дипломатик ҳамда халқаро-ҳуқуқий механизмлардан фойдаланган ҳолда ҳал этишга эришиш энг муҳим вазифадир.

**Тўртинчи.** Ислом олами улкан иқтисодий, инвестицион салоҳият, энергетика ресурсларига эга. Улардан тўғри фойдаланиш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг халқаро савдо-иқтисодий, молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўллари ташкил этиш юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пировард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қилади.

Шу муносабат билан бу борада Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида, шунингдек, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳудудидаги давлатларнинг дунёнинг етакчи мамлакатлари билан ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

**Бешинчи.** Ушбу қулай фурсатдан фойдаланиб ҳамда мамлакатимизнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотига раислик даври учун таклиф этилаётган устувор мақсадлардан бирининг ижроси контекстида давлатимизнинг айрим ташаббусларини эълон қилмоқчиман.

Биринчи ташаббуснинг моҳияти нафақат ислом маданияти, балки умумбашарий цивилизацияга беназир ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг кўп қиррали диний-маънавий меросини ўрганишга ихтисослашган халқаро илмий тадқиқотлар марказини ташкил этишдан иборат.

Бундай марказнинг Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи қошида яратилиши мантиқий иш бўлур эди. Буни бир қатор қулай омиллар тақозо этмоқда:

**биринчидан**, Самарқанднинг мусулмон маданияти дурдоналаридан бири эканлиги билан боғлиқ дунё цивилизациясидаги мумтоз ўрни;

**иккинчидан**, энг буюк мусулмон мутафаккирларидан бири, барча муҳаддислар пешвоси Имом Бухорийнинг табаррук мақбараси жойлашган ушбу минтақага хос бўлган алоҳида маънавий-руҳий муҳит.

Таклиф этилаётган тадқиқот маркази Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳомийлигида «Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро тадқиқотлар маркази» деган улуғвор ва рамзий номга эга бўлиши мумкин бўлур эди.

Умид қиламизки, бизнинг ушбу ташаббусимизни Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби Ияд Маданий Жаноби олийлари қўллаб-қувватлайдилар ва бу лойиҳани амалга оширишда керакли кўмакни берадилар.

Ўзбекистоннинг яна бир ташаббуси — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотининг махсус кафедрасини Тошкент ислом университети таркибида ташкил этиш билан боғлиқдир.

Янги кафедра фаолиятининг асосий йўналишини мусулмон дунёсидаги таълим, илм-фан ва маданият тарихи ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва улар ҳақида талабаларга чуқурлаштирилган махсус курсларни ўқиш ташкил этиши мумкин бўлур эди.

Ҳурматли дўстлар!

Мазкур анжуманимиз ва сизларнинг Ўзбекистонга ушбу ташрифингиз давомида Ватанимизнинг бой тарихий ва маданий мероси билан танишишингиз туризм, гуманитар, илмий ва бошқа соҳалардаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Бу борада биз ўз томонимиздан ташкилотга аъзо мамлакатларнинг туристлари ва вакиллари диёримизга келиб-кетиши билан боғлиқ расмийчиликларни соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирларни кўрамиз.

Олтинчи. Оммавий қирғин қуролини тарқатмаслик муаммоси бугунги кунда энг кескин масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон 1993 йилдаёқ Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни ташкил этиш ташаббусини илгари сурган. Мазкур ташаббус Ўзбекистон ва қўшни давлатлар томонидан 2006 йилда имзоланган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисидаги шартнома, шунингдек, БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий бешта аъзоси 2014 йилда имзолаган Кафолатлар тўғрисидаги протоколда ўзининг амалий ифодасини топган.

Ўзбекистон ядро қуролидан холи ҳудудлар кўламини изчил кенгайтириш тарафдори ва Яқин Шарқда ҳам ядро қуролидан холи ҳудудни ташкил этиш ғоясини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон ташкилотга аъзо мамлакатлар ва умуман, мусулмон олами хавфсиз ва фаровон давлатларга айланишига ишонади.

Мухтарам сессия қатнашчилари!

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси халқаро майдонда ташкилотимиз салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва унинг обрўсини ошириш, олдимизда турган умумий вазифаларни самарали ҳал этишга хизмат қилишига ишонаман.

Сўзимни яқунлар эканман, сизларни Шарқ дурдоналаридан бири бўлган Самарқандга таклиф этишдан мамнунман. Самарқандда бебаҳо тарихий-маданий объектларни ўз кўзингиз билан кўриш, халқимиз ҳаёти, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларимиз, олий ўқув юртларимиз фаолияти билан бевосита танишишингиз мумкин.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Ўзбекистон Республикасини 2016 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида



## **Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш**

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 15 январда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берилган 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари изчил амалга оширилиши ва пухта ўйланган макроиқтисодий ҳамда фаол таркибий сиёсатнинг давом эттирилиши жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини берди.

Ялпи ички маҳсулот ҳажми 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 7,8 фоиз, саноат ҳажми 7,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги ҳажми 6,4 фоиз, чакана савдо айланмаси 14,2 фоиз ўсди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатларига ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси, давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицити ва 2,2 фоизни ташкил қилган инфляция даражасининг пастлигини ифода этган макроиқтисодий барқарорликни сақлаш орқали эришилди.

Саноатни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларини чуқурлаштиришга оид фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмининг 9,4 фоизга ва пудрат-қурилиш ишларининг 15 фоизга ўсиши имконини берди.

Жорий йил бошидан буён 2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури доирасида 9 мингта янги сервис объекти ташкил этилгани шу йилнинг тўққиз ойида кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 12,4 фоиз ва ялпи ички маҳсулот таркибида хизматлар улушини 2015 йилнинг шу давридаги 51,2 фоиздан 51,7 фоизгача ошириш имконини берди.

### **2016 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий- иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари**

(2015 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар ўсиш суръатлари

Ялпи ички маҳсулот 107,8

Саноат 107,2

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 106,4

Жами хизматлар 112,4

Чакана савдо айланмаси 114,2

Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 109,4

Шу йилнинг тўққиз ойида саноат маҳсулотлари кўпайишининг асосий қисми қайта ишлаш саноати тармоқлари томонидан таъминланди. Саноат маҳсулотларидаги уларнинг улуши 2015 йилнинг шу давридаги 78,2 фоиздан 79,7 фоизга ошди.

Хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида товар ишлаб чиқарадиган тармоқларда саноат маҳсулотларининг юқори ўсиш суръатларига эришилди. Хусусан, тўқимачилик буюмлари, кийим ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш 114,8 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари 113,7 фоиз, фармацевтика маҳсулот ва препаратлари 123,7 фоиз, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари 134,1 фоиз, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 112,9 фоизга ошди. Ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва тайёр истеъмол товарлари турини кенгайтириш мақсадида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг технологик ускуналар харид қилиши ҳамда айланма капиталини кўпайтириши учун тижорат банклари 4,4 триллион сўмлик кредит маблағлари ажратди. Тайёр тикувчилик-трикотаж маҳсулотларининг 57 янги тури ва 141 моделини, 80 дан зиёд турдаги янги дори препаратлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар томонидан саноат маҳсулотларининг 50 дан ортиқ янги тури, жумладан, нефть-газ-кимё ускуналари, конвейер ускуналарининг эҳтиёт қисмлари, автомобиллар спидометри, электр печлар, сув тўплайдиган электр иситгичлар, спорт тренажёрлари, болалар велосипеди ва самокатлари ҳамда бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

2016 йилнинг тўққиз ойида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида қиймати 4091,7 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва ўсиш 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробарни, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 1,3 миллиард долларни ташкил қилди.

Молия-банк тизими барқарорлигини таъминлашга доир комплекс чоратадбирларни амалга ошириш жараёнида шу йилнинг тўққиз ойида банклар умумий капитали 22,8 фоиз, уларнинг активлари 25,5 фоиз, банклардаги депозитлар 27,5 фоиз кўпайди. Натижада тижорат банклари маблағлари ҳисобидан иқтисодиётга кредит ажратиш ҳажми 25,7 фоиз ўсди. Бунда ажратилган банк кредитлари умумий ҳажмининг қарийб 80 фоизини инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ташкил қилди.

Жорий йил бошидан буён Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 3,7 миллиард долларлик 100 йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди.

Жумладан, «Жиззах вилоятидаги цемент заводини кенгайтириш», «ЖМ Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида «Т-250» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», «Талимаржон ИЭСда 450 МВт қувватли иккита буғ-газ турбинаси қуриш», «Ангрен ИЭСда кўмир қукунидан фойдаланишга мўлжалланган 150 МВт қувватли энергия блоқи қуриш», «Индорама Кўқон текстиль» хорижий корхонасида йигирув корхонаси ташкил

этиш (IV-босқич)», «Сирдарё вилоятидаги «Guliston Med Texnika» қўшма корхонасида стерил шприцлар ишлаб чиқариш" ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида ҳисобот даврида қарийб 22 минг лойиҳа, жумладан, саноат соҳасида 3195 корхонада янги қувватларни ишга тушириш, 162 корхонада янги фаолият турларини йўлга қўйиш, 264 корхонани модернизация қилиш ва 653 корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтиришни ўз ичига олган 4274 лойиҳа амалга оширилди.

Ушбу лойиҳаларни амалга оширишда жорий йил бошидан буён 2,65 миллиард долларлик хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,2 фоизни ташкил қилди. Бу маблағларнинг 1,8 миллиард доллардан ортиғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Натижада ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмида хорижий сармоялар улуши 21,1 фоиздан 22,3 фоизга етди.

Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, шунингдек, 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ўртача 9,4 фоиз камайтиришга эришилди.

## **II. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, экспортда фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш**

Жаҳон иқтисодиётида инқироз ҳолатлари ҳамон сақланиб турган ва жаҳон бозоридаги нархлар экспорт салоҳиятига салбий таъсир кўрсатаётган бир шароитда юртимиз экспортчиларининг ташқи бозордаги ўрнини сақлаш мақсадида хорижга маҳсулот етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш, экспорт қилинадиган маҳсулотлар тури ва географиясини диверсификация қилиш, экспорт фаолиятига янги корхоналарни жалб этиш ишлари давом эттирилди.

Жорий йил бошидан буён яна 835 корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, 246 турдаги янги маҳсулот экспорти йўлга қўйилди. Маҳаллий маҳсулотларни четга етказиш географияси 52 та янги бозорга кўпайди. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликлари, Ливан, Иордания, Ироқ, Гана, Сенегал, Кот-д'Ивуар, Сомали, Нигерияга енгил автомобиллар, Япония, ХХР, АҚШ, Исроилга виноматериаллар ва вино-ароқ маҳсулотлари, Польша, ХХР, Туркия, Жанубий Корея, Латвия, Афғонистонга кимё маҳсулотлари, Швеция, Руминия, Болгария, Туркияга минерал ўғитлар, Беларусь, Озарбайжон, Польша ва Жанубий Кореяга спорт пойабзаллари, чарм буюмлар ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинди.

Бунинг самарасида шу йилнинг тўққиз ойи яқунларига кўра, товар ва хизматлар экспорт ҳажми 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 фоиз ўсди. Полиэтилен, трикотаж полотно, ип газлама, фармацевтика препаратлари ва тиббиёт буюмлари, молибден, вольфрам маҳсулотлари, аммофос, кальцийлаштирилган сода, юк автомобиллари ва юқори қўшимча қийматга эга бошқа маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми ошди.

Мамлакатимизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилгани, жумладан, “Ўзагроэкспорт” ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси ташкил этилгани натижасида жорий йил тўққиз ойида 543 минг тоннадан зиёд ёки 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 40,4 фоиз кўп ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди.

### **III. Муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт**

#### **инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш**

Жорий йилнинг тўққиз ойида 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурини амалга ошириш фаол давом эттирилди.

Жумладан, янги Ангрэн – Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини куриш ва Поп – Қўқон – Андижон участкасини электрлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди. Самарқанд – Бухоро йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди. 98 километрлик темир йўл участкалари қайта тикланди, 300 километрдан зиёд автомобиль йўллари реконструкция қилинди, узунлиги 1000 километрдан ортик хўжаликлараро кишлоқ автомобиль йўллари, шаҳар, кишлоқ аҳоли пунктлари, туман марказлари ва шаҳар посёлкалари кўчалари жорий таъмирланди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳаво кемалари паркини янгилаш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида миллий авиакомпаниямиз парки дастлабки «Boeing 787-800 Dreamliner» самолёти билан тўлдирилди.

2013-2020 йилларда телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши доирасида жорий йил бошидан буён замонавий технологиялардан фойдаланиш имконини берувчи 1756 километрдан зиёд кенг полосали оптик-толали тармоқлар барпо этилди ва захирага олинди. Давлат ахборот ресурслари сони 318 тага етказилди, давлат органлари ахборот тизимлари 485 тадан ошди, 290 турдаги интерфаол хизматлар жорий этилди. Шу йилнинг тўққиз ойида Ягона портал орқали 802 мингдан зиёд хизматлар кўрсатилди ва ўсиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,9 баробарни ташкил қилди.

### **IV. Хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат иштироки улушини босқичма-босқич**

## камайтириш

Иқтисодиётда давлат иштирокини янада камайтиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида жорий йил тўққиз ойида қиймати 313,6 миллиард сўмлик инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан 373 давлат активи хусусий мулкдорларга сотилди. Шундан 96 давлат активи қиймати 294,5 миллиард сўм ва 27,2 миллион долларлик инвестиция мажбуриятини олиш ва 7,4 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш шарти билан инвесторларга «ноль» қийматда сотилди.

45 акциядорлик жамиятида хорижий инвесторларга низом жамғармасининг 15 ва ундан кўп ҳажмдаги давлат улушлари сотилди. Бунинг самарасида низом жамғармасида давлат улушига эга акциядорлик жамиятлари сони ўтган йилнинг шу давридаги 302 тадан 183 тага тушди.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастури амалга оширилиши доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база ташкил этиш ҳамда уни такомиллаштириш ишлари давом эттирилди.

Хусусан, товарларни (ишлар, хизматлар) электрон тижорат шаклида сотишни тартибга соладиган Электрон тижоратни амалга ошириш қоидалари тасдиқланди. Қурилишнинг барча босқичларида тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари доирасида ягона қоида ва талаблар белгиланди, бино ва иншоотлар ташқи кўринишини ўзгартириш, объектларни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга, шунингдек, турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказишга рухсат бериш талаблари жорий этилди. Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чоралари кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олиншини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгилангани бу борадаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганидан далолат беради.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва кичик корхоналар ташкил

этиш мақсадида жорий йил тўққиз ойида кичик бизнес субъектларига 12,6 триллион сўмлик кредитлар ажратилди ва ўсиш 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарни ташкил қилди. Жумладан, қиймати 2,7 триллион сўмлик микрокредитлар ажратилди, халқаро молия институтларининг 185,7 миллион доллар миқдоридаги кредит линиялари ўзлаштирилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида «Е-ijго» идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини фаол жорий этиш асосида тадбиркорлик субъектларига «Ягона дарча» марказлари орқали 75 мингдан зиёд давлат хизматлари кўрсатилди.

Хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар ва хомашё бозорларидан фойдаланиши кенгайтирилиши туфайли Республика товар-хомашё биржасида давлат харидлари бўйича ўз товар ва хизматларини етказиб берувчи сифатида рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони 12,7 фоизга кўпайди ва 41 мингдан ортиқ субъектни ёки давлат харидлари иштирокчилари умумий сонининг 97,6 фоизини ташкил қилди.

Кичик бизнес корхоналари ўз маҳсулотларини ташқи бозорга чиқаришга ёрдам бериш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида Маҳсулотлар экспортига кўмаклашиш бюроси томонидан жорий йил бошидан буён 1,1 мингдан зиёд корхонага маслаҳат хизмати кўрсатилди, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш, аккредитация, маҳсулот экспорти, халқаро ва давлатлараро талабларни жорий этиш бўйича 40 дан ортиқ халқаро шартнома тузилди.

Қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда янада рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар шу йилнинг тўққиз ойида 23,6 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъекти ташкил этиш имконини берди. Натижада ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес улуши 54,6 фоиз (2015 йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 53,6 фоиз бўлган), саноатда 43,8 фоиз (38,7 фоиз), инвестицияларда 38,3 фоиз (33,5 фоиз), чакана савдо айланмасида 89,9 фоиз (87,3 фоиз) ва бандликда 77,8 фоиз (77,5 фоиз) ошди.

## **V. Қишлоқ хўжалигида ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ва самарадорлигини янада ошириш, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун экин майдонларини кенгайтиришга қаратилган 2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини ислох қилиш ва ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,4 фоизга ошириш имконини берди.

2016 йилнинг тўққиз ойида пахта майдонларини 30,5 минг гектарга

қисқартириш ва бўшаган ерларга ички ҳамда ташқи бозорда талаб юқори бўлган мева-сабзавотлар экиш ҳисобидан экин майдонлари тузилмаси оптималлаштирилди. Бундан ташқари, 8,2 минг гектар майдонда янги интенсив боғлар, 5,2 минг гектарда токзорлар ташкил этилди. 6 минг гектар майдондаги боғлар ва 3,5 минг гектардаги токзор қайта тикланди. 532 гектар майдонда 9,9 мингта замонавий иссиқхона барпо этилди.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини янада ошириш мақсадида 2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш давлат дастурини амалга ошириш доирасида шу йилнинг тўққиз ойида узунлиги 734,6 километрлик коллектор, 229 километр ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 846 та қудук, 50 та гидротехник иншоот ва 7 насос станцияси барпо этилди ва реконструкция қилинди.

2016-2020 йилларда мева-сабзавотларни сақлаш бўйича моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида «Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмасининг ҳудудий компаниялари, фермер хўжаликлари ва бошқа корхоналар томонидан 64,6 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун 164 янги совутиш камераси ташкил этилди.

Шу йилнинг ўтган даврида мураккаб об-ҳаво шароитларига қарамасдан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида мўл қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди ва йиғиб олинди. Жумладан, 2,3 миллион тонна картошка, 8,2 миллион тонна сабзавот, 1,5 миллион тонна полиз маҳсулотлари, 1,2 миллион тоннадан ортиқ узум, 2 миллион тонна мева ва резаворлар тайёрланди.

Жорий йил бошидан буён чорвачилик сектори салоҳиятини янада ошириш мақсадида тижорат банкларининг қиймати 380 миллиард сўмдан зиёд кредитлари ҳисобидан қорамол боқиш, паррандачилик, асаларичилик хўжаликларини ривожлантириш ва балиқ етиштиришни кўпайтириш бўйича 5,2 мингта лойиҳа амалга оширилди.

Натижада шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, қорамоллар умумий сони 11,6 миллион бошга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,4 фоиз) етди, тўққиз ой давомида 1,6 миллион тонна гўшт (106,6 фоиз), 6,9 миллион тонна сут (106,9 фоиз), 4,5 миллиард донадан ортиқ тухум (110,8 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар тайёрланди.

## **VI. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада юксалтириш, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш**

Таълим ва тиббий хизматлар сифатини янада яхшилашга оид чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, уларни зарур инвентарлар билан жиҳозлаш учун йил

бошидан буён қиймати 919,5 миллиард сўмлик капитал қўйилма ўзлаштирилди.

Бюджетдан ташқари Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий таълим муассасалари объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш учун 201,3 миллиард сўм ўзлаштирилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан спорт иншоотлари қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қиймати 285,5 миллиард сўмлик ишлар бажарилди.

Умуман, жорий йил бошидан буён 86,3 минг ўқувчига мўлжалланган 236 умумтаълим мактаби, 1,1 минг ўқувчига мўлжалланган 2 академик лицей, 2,3 минг ўқувчига мўлжалланган 21 касб-ҳунар коллежи, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун 550 ўринли 4 ётоқхона, 24 тиббиёт муассасаси, 15 муסיқа ва санъат мактаби, 232 болалар спорти иншооти ва бошқа объектлар барпо этилди.

Аҳоли турмуш сифатини янада яхшилаш мақсадида ҳисобот даврида янги қишлоқ массивларида замонавий лойиҳалар асосида 12 мингдан ортиқ якка тартибдаги шинам уйлар фойдаланишга топширилди.

Барпо этилаётган қишлоқ уй-жой массивларида 453 километрлик сув таъминоти тармоғи, 256 километрлик газ, 323 километрлик электр тармоқлари тортилди, 283 трансформатор нимстанцияси ўрнатилди.

Умуман олганда, жорий йил бошидан буён мамлакатимизда 10,1 миллион квадрат метр, жумладан, қишлоқ жойларда 7,6 миллион квадрат метр уй-жойлар, 1,6 минг километрдан зиёд, хусусан, қишлоқ жойларда 1,3 минг километр сув таъминоти тармоқлари бунёд этилди.

Аҳоли даромадлари, ҳаёт даражаси ва сифатини муттасил оширишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши жорий йил бошидан буён ўртача ойлик иш ҳақини 12,6 фоиз ошириш имконини берди. Шу йилнинг 1 октябридан бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори яна 15 фоизга кўпайди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида 2016 йилнинг тўққиз ойида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, мустаҳкам, соғлом ва аҳил оилани шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш ишлари амалга оширилди. Бу ишларни молиялаштириш учун барча манбалар ҳисобидан 6,8 триллиондан ортиқ сўм ва 150 миллион доллар йўналтирилди.

Жорий йил бошидан буён оила қураётган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш, болаларни 12 та бошқариладиган инфекцияга қарши профилактик эмлаш, ҳомиладор аёлларни скрининг текширувидан ўтказиш, уларни поливитамин билан бепул таъминлашга доир фаол ишлар олиб борилди.

2016 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари мамлакатимизни ислоҳ этиш, модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича Биринчи Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва ислоҳотларни амалга оширишнинг беш



машҳур тамойилига асосланган стратегияни мақсадли ҳамда тизимли амалга ошириш самарасида глобал иқтисодий ривожланиш суръатлари сусайгани ва жаҳон бозорида конъюнктура ёмонлашувиغا қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланаётганидан далолат беради.

Биринчи Президентимиз Ислоом Каримов мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига мурожаатида таъкидлаганидек, «Биз эришаётган улкан марра ва натижалар кўзлаган мақсадларимизнинг фақат маълум бир қисмини ташкил этади». Шу боис жорий ва келгуси йилларда демократик янгиланиш бўйича бошланган ислохотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, хусусий мулк улушини ошириш ва унинг устуворлигини таъминлаш, мамлакатимизда аҳолининг тадбиркорлик даромадини муттасил кўпайтириш учун зарур шароитлар яратиш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим вазифасидир.

Она тилимизнинг бетакрор жозибаси

**Ҳар бир мамлакатнинг Байроқ, Герб, Мадҳия сингари давлат рамзларини белгиловчи энг муҳим омилларидан бири, унинг миллий тили ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир халқ ўз тили тараққиёти учун қайғуради, унинг истиқболи йўлида барча имкониятни яратишга интилади.**

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоом Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидланганидек: “...ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир”.

Мустабид тузум ҳукмронлиги пайтида (ўтган асрнинг 80-йиллари охири) Биринчи Президентимиз шижоати билан миллий тил масаласи кўтарилиши, унга 1989 йил 21 октябрда Давлат тили мақоми берилиши том маънодаги жасорат ва истиқлол сари қўйилган илк қадам сифатида улкан аҳамиятга эгадир.

Ўтган 27 йил давомида ўзбек тилининг жаҳон тиллари ўртасидаги обрў-эътибори ошди. Жумладан, бугунги кунда Ер юзида беш мингга яқин тил мавжуд бўлиб, улар ҳуқуқий мақоми, тутган ўрни, қўлланиш доирасига кўра уч турга бўлинади. Яъни: 6 та халқаро тил (инглиз, француз, испан, рус, араб, хитой тиллари), 200 га яқин давлат тили (ўзбек, қозоқ, немис ва бошқа тиллар), қолган 4800 га яқин тиллар — маҳаллий тиллар (на халқаро, на давлат тили мақомига эга бўлган тиллар).

Она тилимиз — ўзбек тили 1989 йил 21 октябргача учинчи даражадаги, яъни маҳаллий тил даражасида бўлиб, жуда ҳам ғариб аҳволга тушиб қолган эди. “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ўзбек тилини иккинчи босқичга олиб чиқди, яъни маҳаллий тилдан давлат тили даражасига кўтарди. Шунингдек, ўзбек тили — давлат тили сифатида тикланди, унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир” деб белгиланиши тилимизнинг ижтимоий ҳаётда қўлланилиш мавқеини янада мустаҳкамлади, уни муқаддас ва буюк тимсолга айлантирди.

Жорий йилда миллий тилимизни янада тараққий эттириш йўлида навбатдаги оламшумул қадам ташланди. Яъни 13 май куни Биринчи Президентимизнинг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони Ватанни, миллатни севувчи ҳар бир инсонни қувонтирди. Унда ўзбек тилининг тарихий тараққиёти, унинг ҳозирги замон глобаллашув шароитида жамият маънавий ривожланишида тутган ўрни масалаларига эътибор қаратилиши халқимиз юрагининг туб-тубидаги гаплар бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда, юқоридаги Фармонни мамлакатимизда босқичма-босқич, изчил равишда олиб борилаётган тил сиёсатининг мантиқий давоми, ўзбек миллатининг узоқ келажагини таъминловчи, шу соҳада ҳозирги замон талабларига тўла жавоб берадиган, етук мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлида фундаментал норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин.

Айтиш керакки, истиқлол шарофати билан ўзбек атамашунослик тизимида ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Миллий давлатчилик ва кадриятларимизга хос бўлган кўпгина атамалар амалиётга жорий этилди. Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазир, вазир, вазирлик, ҳокимлик, давлат маслаҳатчиси, давлат котиби, ҳуқуқий тартибот, миллий-ҳуқуқий тизим, миллий-ҳуқуқий қонунчилик, ўзбек давлатчилиги, маъмурий-ҳудудий тузилма, суднинг сайёр мажлиси, одил судлов, эҳтимолий ҳуқуқ, обуначи, муаллифлик ҳуқуқи, гумон қилинувчи, қилмиш, қонун устуворлиги каби бир қанча атамалар шулар жумласидандир. Ҳатто узоқ йиллар давомида ўзбек юридик тилида қўлланиб келинган, лекин мазмун ва моҳияти шаклига тўғри келмайдиган айрим атамаларнинг муносиб муқобилларини ишлаб чиқишга эришилди. Шу билан бирга, ўзбек атамашунослик тизимига узоқ келажакни кўзлаб ҳар жиҳатдан ижодий ёндашилди, яъни атамашунослигимиз ўз “қобиғи”га ўралиб қолгани йўқ. Унда бутун дунё халқлари томонидан бир хил тарзда ишлатилаётган аксарият халқаро атамалар асл шаклида берилди. Жумладан, Конституциямизда ҳаммаси бўлиб 5400 дан зиёд сўз ишлатилган. Шундан 42 таси халқаро атамаларга тўғри келади. Улар қуйидагилар: республика, конституция, суверенитет, демократия, принцип, орган, герб, референдум, президент, партия, суд, институт, норматив, субъект, норма, телефон, банк, пенсия, юридик, цензура, суверен, округ, стратегик, валюта, кредит, бюджет, комиссия, прокурор, ратификация, денонсация, парламент, смета, аккредитация, дипломатик, орден, медаль, амнистия, нормал, материал, адвокатура, кооператив. Бу жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бошқа мамлакатлар

билан иқтисодий, маданий, сиёсий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Ҳаёт ҳеч қачон тўхтаб турмайди. Айниқса, шиддат билан ривожланаётган бугунги глобаллашув шароитида давлат тилини янада такомиллаштириш, уни ҳозирги фан ва техника асри амалиётига мослаштириш мақсадга мувофиқ. Зеро, она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, ҳарбий иш, юриспруденция, дипломатия каби соҳаларда ўзбек тилининг мавқеини оширишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этаяпти.

**Ахборот соати раҳбари**

**Тугалов А**